

1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Жоспар

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМХУРИЯТИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

Қонунчилиг ва ҳуқуқ-тартибот учун!

№№ 15 — 16
(2552—2553)
1993 ЙИЛ
26 ФЕВРАЛЬ
ЖУМА
НАРХИ 6 СҮМ

Бугунги
сонда:

1-бет
Мафияга
берилган
зарба

4—5-бетлар
Зангори
экранда

7-бет
Ертўладаги
«завод»

8-бет
Ҳордик
учун
ярим саҳифа

ДАВЛАТ ДАСТУРИ — МУҲИМ ОМИЛ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИ, ИЧКИ
ХИЗМАТ ГЕНЕРАЛ-ЛЕЙТЕНАНТИ
З. А. АЛМАТОВ

Ўзбекистон Республикаси ички ишлари органлари га хизмат фаoliyatiни ҳуқуқий таъминлаш, моддий-техника таъминоти, кадрлар тайёрлаш, сабиқ итифоқдош республикаларнинг ички ишлар органлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш, хорижий мамлакатлар билан алоқалар ўрнатиш масалаларини мустақил ҳал қилиш борасида қатъий қадамлар қўйишга тўгри келмоқда.

Бундан келиб чиқсан ҳолда ўтган йил апрелида Олмасотада мустақил давлатлар ички ишлар вазирларининг жиноятчиликка қарши кураш борасида ўзаро ҳамкорлик қилиш тўгрисида битим имзоланди. Августда Чўлпонотада (Қирғизистон Республикаси) ахборот айрибошлиш, маҳсус техника воситалари ва маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасида, октябрда эса Киевда гиёҳвандлик моддаларининг гайриқонуний тарқатилишига

қарши кураш бўйича ҳамкорлик қилиш тўгрисида кўп томонли шартномалар имзоланди. Эрон, Покистон, Франция билан жиноятчиликка қарши курашнинг муҳим масалалари бўйича келишувга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг расмий делегацияси Интерпол Бош Ассамблейсининг Дакарда (Сенегал) ўтган 61-сессияси ишида кузатувчи сифатида иштирок этди; бу ерда гиёҳвандлик моддаларини ташиб ва гайриқонуний сотишга, ҳалқаро иқтисодий жиноятларга, қалбаки пул ясовчиларга барҳам бериш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишга алоҳида эътибор берилдики бу нарса бизнинг минтақамиз учун гоятда долзабдир. Интерполга аъзо бўлган шароитда, бу эса энг яқин келажакда ҳал бўлади, ИИВ хизматларини компютерлаштириш, ва телекоммуникацияларнинг ягона тизимида киритиш имконияти пайдо бўлади.



Республика ИИВнинг биргурӯҳ раҳбар ходимлари яқинда Интерполнинг Лиондаги қароргоҳида бўлишди, бу ерда

турли хизматлари техника билан қандай жиҳозланганини ўргандилар, Ҳалқаро жиноят полиция ташкилоти (Интерпол) билан жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорлик қилиш ва куч ҳаракатларни жамлашни йўлга қўйиш учун яхши негизга асос солинди. Ҳамкасларимиздан ўрганса бўладиган жиҳатлар эса оз эмас. Маълумот учун — Францияда 250—300 фуқароға битта полициячи, бизда эса бир милиция ходимига салкам 1 мингта фуқаро тўгри келади. Оддий полициячичи кам деганда 11 минг франк (2 минг доллар) маош олади. Ўзининг самарадорлиги билан ном чиқарган француз полициячисининг ишларни ИИВ ходими нуфузининг гоятда юқорилиги, хизматга номзодлар пухта танланиши, мутахассислар назарий ва қасбий тайёрланиш даражасининг юқорилиги билан шартланган.

Ўз ишимиз ҳақида гапирад эканмиз, шуни таъкидлашни истар эдимки, кейинги йилларда истеъмол бозорини ҳимоя қилиш, мулкни давлат эгалигидан чиқариш ва хусусийлаштириш чорида суистеъмолларга барҳам бериш борасида комплекс тезкортергов ва олдини олиш тадбирлари амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда).

МАФИЯГА БЕРИЛГАН ЗАРБА

Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси вилоят прокуратураси ва миллий хавфсизлик хизмати билан биргаликда минатақадаги барқарорликни бузишига алоқадор бўлган жиноят оламининг юздан ортиқ йўлбошчилари ва "обрўманд"ларни текшириш юзасидан тадбир ўтказди. Ўқотар ва совуқ қуроллар, гиёҳванд моддалар, анча миқдорда ҳалқ истеъмоли буюмлари тортуб олинди.

Жиноят гурухлардан бирига бошчиллик қилган Ш. деган шахсадан кирқма ов миљиги ва ўқдори топилди. МДҲигига киравчи кўплаб мамлакатларнинг жиноят оламида баобўр бўлган А. исмли шахсадан эса морфий, кўкнори ва шприц чиқди. Яна бир жиноятчи гурух бошлиги З., шунингдек бир қатор босқинчиликларда гумон қилинаётган ака-ука Ф. билан Ш.лардан кўп миқдорда гиёҳванд моддалар тортуб олинди.

Жиноят оламининг "обрўманд"ларидан бири бўлмиш

Ю. дан "Вальтер" тўппончаси, "Наган" револьвери ва улардаги қўлланиладиган ўқ-дорилар мусодара қилинди. М. исмли кимсадан қирқмақурол ўқ-дориси ва кечаси кўриш учун ишлатиладиган армия асбоби, анчагина машҳур ишбилармон У.дан оғнемёт билан тұгмачали пичқ тортуб олинди.

Гўзлакент қасабасида яшовчи А. дан 4 килограмм кўкнори, 11 килограмм қорадори, Макаров тўппончасининг 16 дона, майда калибрли қуролнинг 66 дона ўқи, ёш чиқарадиган газ баллончаси, 5 дона совуқ қурол, иккى миллион сўмга яқин пул ва подшо даврида зар қилинган тангалар топилди ва мусодара қилинди.

Хуфия иқтисодиётнинг кўпгина ишбилармонларидан юқори нархларда сотиш учун мўлжалланган товар-моддий бойликлар мусодара қилинди. Челакда яшовчи Н. нингўйида бир тоннага яқин шакар, 500 пачка болалар овқати, қўлбала ароқ тайёрловчи асбоблар ва рўйхатдан

ўтказилмаган иккى стволли қурол топилган. Унинг юртдоши А. дан 2 миллион сўмлик тобар моддий бойликлар мусодара қилинган. Булунгурдаги машиналарга бензин кўйиш тармоғининг бошлиғи ўйидан 8,5 миллион сўмлик 11 минг банка томат пастаси топилган.

Қароқчиларча ҳужумлари ва бошқа жиноятлари учун бир неча марта судланган "қонундаги ўғри" И. дан ҳам кўп миқдорда саноат моллари, шу жумладан 24 ўрам бахмал мусодара қилинди.

Яна 40 та жиноятчи унсурдан 15 килограммдан ортиқ гиёҳвандлик маддаси, қурол учун 100 бирликдан кўпроқ ўқ-дори, 200 та номда заргарлик буюми, импорт кийими, чет элда ишланган радиостанциялар, кўп миқдорда ҳалқ истеъмоли моллари мусодара қилинди.

Операция давомида 25 дан ортиқ шахс, шу жумладан миллатлараро алоқалари бўлган 8 нафар "обрўманд" шахс қўлга олинди.

С. ЗОҲИДОВ,
Самарқанд шаҳри.

Соат ўн иккidan ўтаётганди. Бўстонлиқ тумани ИИБ ёнгидан саклаш бўлинмасининг катта нозири, ички хизмат капитани Абдурашид Усмонов, нозир, ички хизмат капитани Жунусбек Ўтенбоеев Фазалкент шаҳрининг Фафур Ғулом кўчаси

сиқилиб ташқарига қайтиб чиқди. Тоза ҳавода бироз тургач, яна ичкарига кириб кетди. Бу сафар омади юриши, бурчакда сиқилиб ўтирган иккى яшар гўдакни багрига босиб олиб чиқди.

Бу билан бечора онаизор таскин топмаган эди. Ҳушидан

"ВАЗИФАМИЗ, ОТАХОН"

Тўсатдан 5-уидан осмонга бўралаб тутун кўтарилаётганига кўзлари тушди. Уй олдида шовқин ҳам авжига чиқсан эди. Йигитларнинг бири шоша-пиша ўт ўчириш қисми томон, иккинчи сиқида жоқа жойига югуриб кетишиди.

Ёнгин содир бўлган ўйнинг ховлисида уй бекаси Жумагул Абдуганиева ўзини йўқотганча аюҳаннос соларди. Унинг гапидан маълум бўлишича болалари уй ичкарисида қолиб кетган экан.

Бу пайтда аланга зўрайиб кетган, уйга кириш амримаҳол эди. Хоналар эса бутунлай тутунга тўлиб қолганди. Шунга қарамай Жунусбек ўзини ичкарига урди. Иккى хонани кўздан кечириб, болаларни тополмай, тутундан нафаси

кетар экан, "бешик, бешик", дейишга улгурди, холос. Бу сўз ёнгидан саклаш бўлинмаси ходимини яна ўзини оловга уришга мажбур қилди. Бу вақтда ўт ўчириш машиналари билан етиб келган Абдурашид ҳам олов ичига кириб, бешикни кидиришга тушди.

Қидириш ўз натижасини берди. Энг ичкариги хонада тутундан бўғилаётган гўдакни бешиги билан ажал комидан олиб чиқиши...

Боқеани кузатиб турган бир отахон ҳайратланиб йигитлардан сўради:

— Шунчалик қаттиқ ўтнинг ичига киришга кўрқмайсизларми, болам?

— Вазифамиз-ку, отахон.

Т. РАСУЛТОЕВ,
Бўстонлиқ тумани ИИБ
бошлиғи мувонни.

ҲАМЁН ЭГАСИДА

Бухоро ИИБ ЖҚБнинг кичик инспекторлари, милиция сержантларидан Ихтиёр Ражабов билан Фурқат Саидов Бухоро шахридаги Марказий универсал магазини яқинидаги хизмат бурчларини бажариб юришарди. Бир пайт уларнинг эътиборини гавжум харидорлар орасига кириб-чикиб юрган икки йигитнинг ҳатти-ҳаракатлари ўзига тортди. Улар харидорларнинг кийим-кечагига, чўнгатига кўпроқ назар солишарди-да.

Милиция сержантлари бу икки йигит билан яқиндан танишишга аҳд қилишди. Ш. Барат билан С. Геннадийларни текшириб кўришганде уларнинг ҳар бири мұқаддам судланган эканликлари маълум буди ва ёнларидан гиёхванд моддалар топиди. Оқибатда ушланганлар сўриштирув ишлари олиб бориш учун ИИБга келтирildi.

Бир қарашда бу воқеани ёзиш оддий бир нарсадек қизикроқдир. Атрофлича текширилганда улардан бирининг чўнгатидан аёллар ҳамени топиди. Сўроқ қилаётган милиция катта лейтенанти Азим Ҳамроев бу ҳамёнинг ўтирглаб олинганини дарҳол тушуниди. Бироз вақт ўтгач, кўлга тушганлар ўз қилмишларини бўйнинг олишларидан бошқа илож қолмади.

А. Ҳамроев ҳамёнда 600 сўм пул, ўз эшиги, қалитлари ва ҳар хил майдада буюмлардан ташқари кичик қоғозчага ёзилган телефон рақами борлиги ҳам аниқлади. Орадан кўп вақт ўтмай бу телефон рақами борлиги ҳам аниқлади. Орадан кўп вақт ўтмай бу телефон рақами ҳозиргина қўнгироқ қилиб, ноҳуи воқса тўғрисида хабар қилгани жабрланивчининг дугонасиники эканлиги маълум буди. У наркология диспансери ҳамшираси эди. Икки соат вақт ўтар-ўтмас милиция ходимлари ўтиргланган ҳамёни пули билан ўз эгасига топшириши. Жиноят содир эттанилар эса қонуний жавобгарлика торттиладиган буди.

Е. ЗУЕВ,
милиция майори.

Миннатдорчилик

Кечаси Конимех қасабасида яшовчи мешнат ва уруш фахрийси Ёвқоч Шомуротовнинг уйига бирор ўтиргилка тушди. Кўрадаги сигирни бўшатди-ю, бироқ ичкаридан қулфланган ташки эшикни оча олмади. Бундан қаҳри келган ўғри уйнинг эшигини қоқиб, ўз эгасидан пул талаб қилмоқчи буди.

Қўлида темир қуроли бор, қақирилмаган мәдмонга дуч келган фахрий шошиб қолмади. Қароқчига қарши борди. Олиша туриб, унинг қўлидаги темирни торттиб олди. Бу борада оиласининг бошқа аъзолари ҳам воқеадан хабардор бўлиб, қўшиналарни ҳам ёрдамга чақириди.

Ярк, ўтган лампа ёргуидан юзини беркитган ўғри қошиб қолди. Ёрдамга етиб келган милиция сержантини К. Раманов тезда шум нияти ўғрини қўлга туширди. Тогни урса талқон қилдиган 22 яшар нақирион йигит ароқ ичиб, осон ўлжалга ўзини урмоқчи бўлган экан. Бироқ ўз эгасининг давораклиги, милиция ходимларининг ҳушёрги натижасида ушланниб, иши терговга юборниди.

— Милиция сержантини Куваткан Рамановнинг кўпгина ўтиргиларни ушлашда қатнашганини эшитар эдим. Буни ўз кўзим билан кўргач, хизматига қойил қолдим. Ундан жуда миннатдорман, — дейди Ёвқоч Шомуротов.

Арслон РАҲМОНОВ.

ДАВЛАТ ДАСТУРИ —

(Боши 1-бетда).

Ички ишлар органларининг куч ва воситаларидан янада режали фойдаланила бошланди. Йирик миқёслик маҳсус «Комплекс», «Арсенал», «Қорадори», «Фамхўрлик», «Тун», «Тўр» ва бошқа тезкор олдини олиш операцияларининг ўз вақтида ўтказилиши шахсга қарши жиноятларнинг салмоги анча пасайишига имкон яратди. Рўйхатга олинган оғир тан жароҳатлари, зўрлар, талон-тарожлар, одам ўлиши билан турдиган ўйл-трансфорт ҳодисаларининг миқдори камайди.

Республикада жиноятчиликнинг даражаси 1992 йилда оз миқдорда бўлсада пасайди ва 100 минг аҳолига ҳисоблаганда 402 жиноятни ташкил этиди (1991 йилда — 438 та эди). Жиноятлар орасида энг хавфлиси ушланган жиноятчилик бўлиб қолмоқда. У тижорат структуралари даромадларининг барча турлари устидан назорат ўрнатишга ҳаракат кўлмоқда.

Амалиётнинг гувоҳлик беришича жиноий ушланмаларига раҳбарлик қилиш ва шаклланишида жиноий муҳитнинг етакчилари ва нуфузли кишилари ҳал қилувчи рол ўйнамоқда. Улар томонидан жамиятда катта акс садо тутдиградиган оғир жиноятлар уштирилмоқда ва режалаштирилмоқда, давлатга қарашли бўлмаган структураларга пул солиқлари солинади, бу пуллар эса гиёхвандлик моддалари, курол сотиб олишга, жиноий бизнес эҳтиёжларига кетади. Шу тариқа ушланган жиноий гуруҳларни фош этиши ва тутатиш бу-гунги кунда жиноятчиликка қарши курашнинг устун ўйналишларидан бирига айланди.

Ўтган йили республикада ушланган жиноятчиликка қарши кураш бўлнималари 54 қотиллик, 138 қароқчиларча ҳужум, кўп миқдорда талон-тарож ва таъмагирлик ишларини амалга оширган 1729 гуруҳ ва ушланмани фош этидилар. Ушланган гуруҳлар таъсирида жиноят содир қилгани учун 4 мингдан ортиқ киши жиноий жавобгарлика торттилди.

Чунончи, Тошкентнинг Мирзо Улугбек туманида қароқчиларча ҳужум қилгани учун илгари судланган кишилардан иборат куролли жиноий гуруҳ тутатиди, бу гуруҳ аъзолари ўлдириш ва болаларни ўқ қилиш хусусида қўрқитиш ўйли билан фуқаролардан пул ва қимматбаҳо нарсалар ундириш билан шугулланганлар. Тошкент вилояти ИИБ жиноят-қидирив бошқармаси томонидан Сурков — Чигилиннинг беш кишидан иборат жиноий гуруҳи фош этилган, бу гуруҳ томонидан учта ҳайдовчиларга қароқчиларча ҳужум қилиш, битта қоттилик ҳамда бир неча бор давлат мол-мулки ва фуқароларнинг шахсий мулкини ўтириш амалга оширилган.

Илгари уч марта судланган М. Барабадзе бошқарган 9 кишилик куролли жиноий гуруҳ бир неча йил Ўзбекистон ва унга кўшни Қозогистон худудида иш олиб борган. Бу гуруҳ ҳисобида бир қанча квартира ўтирилди, товламачиликлар бор. Жиноятчilar ҳозирги вақтда ушланган.

Бир неча энг янги фактларни келтироқчиман.

Омалиқда тезкор хизматлар ходимлари томонидан беш кишидан иборат жиноий гуруҳи фош этилди, унга бир кооперативнинг раҳбари бошчилик қилган. Бу кишилар рэкет, тамагирлик ва бошқа алоҳида хавфли жиноятлар билан шугулланганлар. Жиноятчilarдан 320 минг сўм, «Мерседес-Бенц» автомашинаси, бир неча юз минг сўмлик тобор маддий-бойликлар мусодара қилинди.

Сирдәрё вилоятида ўюнган жиноятчиликка қараш бўйича «Комплекс» тадбирларини ўтказиш натижасида 10 кишилик гуруҳ кўлга олниди. Унинг аъзоларидан бир ов милтиги, 10 калта милтиқ, кўп миқдорда ўқдори, видеорадиоаппаратура, жами 3,5 миллион сўмлик гоётда тақчил бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари мусодара қилинди.

Президентнинг кўрсатмаларини бажариш натижасида, бу иш айниқса шу йил жонлантирилмоқда. Андижон, Самарқанд, Фарғона, Сурхондарё, Сирдәрё, Тошкент вилоятларида ва Тошкент шаҳрида жиноий гуруҳларни фош этиши бўйича кенг миқёсли операциялар ўтказилди, бунинг натижасида 163 жиноий гуруҳ тутатиди. Таникли жиноятчilar етакчilari ва обрўли кишиларидан 28 таси жиноий жавобгарлика торттилди. Жиноятчilarдан 6 миллион сўмлик пул ва тобор-моддий бойликлар, шунингдек 12 та ўқ отувчи курол, салкам 17 килограмм гиёхвандлик маддаси, 11 дан ошиқ машина мусодара қилинди.

Бир қатор жиноий гуруҳлар Бухоро қоракўл заводи, Навоийдаги «Бухараглавснаб» маҳсулотини етказиб бериш бўйича корхона, Дўстлик пахта тозалаш заводи сингари давлат корхоналарида ҳам иш олиб боришган. Улар одатда юқори талабга эга хом-аше маҳсулотларини талон-тарож қилганлар. Бунда улар турли усуллардан фойдаланганлар — оддий ўтиришдан тортиб ортиқча ҳамда ҳисобга олинимаган маҳсулотни яратиш мақсадини кўзлаган ҳолда ҳужжатларни соҳталаштиришларгача бўлган ишларни қилганлар.

Жиноий гуруҳларнинг таъсир доираларини бўлиб олиш учун курол ишлатган ҳолда тўқнашувлари ҳам юз бериб турди, бунда кишилар ҳалок бўлмоқда. Ўтган йилнинг декабрида Андижон вилоятида шундай ҳол юз бери, бир-бирига қарама қарши бўлган иккى гуруҳнинг етакчилари таъсир доирасини бўлиб ололмай ўқ отувчи курол ва жанг гранаталаридан фойдаланган ҳолда бир-бириларининг муносабатларини ойдинлаштирганлар. 20 дан ортиқ иштирокчи қамоқца олниди. Кўпларига қидирив эълон қилинди. Тергов ишлари давомида жиноий йўл билан топилган кўп миқдордаги ўқ отар ва совуқ курол, ўқ-дорилар, гиёхвандлик моддалари ва қимматбаҳо буюмлари мусодара қилинди.

Республика ички ишлар органларининг курол-ярор, ўқдори, портловчи материалларни саклаш ва ишлатишни тартибга солиш борасидаги ишлари ҳақида гапириб ўтишин зарур деб ҳисблайман.

Килинган таҳлил чайқов бозорида ўқ отар, ов милтиқлари ва бошқа совуқ қуролларга бўлган талаб ортганлигидан, шунингдек улардан фойдаланилган ҳолда оғир жиноятлар қилинди. Тергов ишлари давомида таъсирида 450 ҳодисаси аниқланди, шулардан 30 тадан кўпрори МДҲ мамлакатларидаги жиноий гуруҳлар билан боғланган экан.

Ўтган йил ноябрьда Тошкент аэропортида

Туркманистон Республикасининг фуқароси 2 килограмм нашани Минводга олиб кетиш чорида ушланди. Июлда ДАНнинг Бухоро вилоятидаги «Олот» постида Тожикистон фуқароси ярим килограмм нашани тасида олиб кетиш пайтида ушланди.

Ички ишлар органларининг фаол ишлари натижасида ўтган йили умуман республика бўйича гиёхвандлик моддалари билан борлиқ б мингдан ортиқ жиноят аниқланган. Бу иш ҳозир ҳам катта зътибор билан олиб борилмоқда.

Чунонсиз равида сақланганлиги учун ўтган йили 545 ўқ отар қурол мусодара қилинди. Маъмурӣ жавобгарлика 6075 киши тортиди. Аҳоли ўртасида фаол олиб борилган тушунтириш иши натижасида фуқаролар томонидаги 546 ўқ отар қуроли ихтиёрий равида топширилди.

Бу иш Тожикистон Республикасидаги маълум воқеалар муносабати билан оператив вазияти мурakkab бўлиб қолаётган Сурхондарё вилояти худудида айниқса фаол олиб борилган. Чунончи, тезкор қидирив тадбирлари давомида ҳарбий хизматчилардан бири, Термизда яшовчи кишининг квартирасида Озарбайжонга сотиш учун ўтирилган 3 та гранатомёт мусодара қилинди. Тожикистон чегарасида «КамАЗ» автомашинасида ўзи ўтирилган гранатомёт ва унинг мосламаларини олиб кетишига уринган бир офицер ушланди.

Ўтган йил апрелида Самарқанд вилояти ИИБ ДАН бўлими йўл-патруль хизмати инспекторлари милиция сержантлари Ш. Кашиев ва А. Умаров томонидан Ленинобод вилояти А. Сатибурсуғ тегиши «ГАЗ-24» автомобили тўхтатилган. Автомобилни қараб чиқиши пайтида 9 килограмм кўкнор ва 300 грамм наша топилган. Гиёхвандлик моддаларини сотувчилар сингари гоётда хавфли тоифани аниқлаш ва фош этиши бўйича кунт билан иш олиб борилмоқда. Ўзбекистонлик қидириувчилар бу йўналишда нафақат ҳалқаро тажрибадан фойдаланмоқдалар балки, ўзларининг оригинал ишларини қўллаяптилар. Натижада 1992 йилнинг октябрь-ноябрь ойлари давомида Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида гиёхвандлик моддаларини сотувчилардан 10 таси қўлга олниди, улардан 2 килограмм ағон, 11 килограмм кўкнор ва 5 килограмм наша мусодара қилинди.

Давлат ва фуқароларнинг иқтисодиёт соҳасидаги ҳуқуқ ва қонуний манбаатларини таъминлаш, мансаб ва хўжалик жиноятларига қарши курашини масалаларини ҳам зътибордан соқит қилиб бўлмайди.

Давлат ва жамоат мол-мулкини янги пайдо бўлаётган тижорат ва молия тузумларининг жиноий ҳуруjhларидан сақлашни таъминлаш мақсадида уларнинг фаолияти устидан назорат ва давлат бошқарувини кучайтириш, солиқлар тўғрисидаги қонунларни тақомиллаштириши ва даромадларни солиқ солишдан беркитишга қарши курашини кучайтириш тўғрисидаги тақлифлар Вазирлар маҳкамасига юборилди.

Кооператив ва ташкиликоғириши фаолият соҳасида 72 жиноят аниқланди. Талон-тарожлар, порахўрликларни аниқлаш ошиди, кооператив фаолиятни ниқоби остида чайқовчилик қилишнинг 58 факти аниқланди.

Кредит-молия ва бюджет тизимлари обьектлари жиноятчиликка қарши кураш суръатлари пасаймаяти, бу эса йирик суннитеъмалларни очиб ташлаш имконини берди. Бунга «Нур Авар банк» (Тошкент), Самарқанд жамғармалар банки ва бошқа банклар мансабдор шахсларининг жиноий фаолияти фош этилиши мисол бўлиб хизмат қила олади.

МУҲИМ ОМИЛ

Шуниси ибратлики, «Узплодо-овошчилик», гўшт-сут, қайта ишловчи саноат, бинокорлик, нон маҳсулотлари корхоналарида гарази жиноятларни очиб ташлаш 4-20 баробар ўстган. Пахта толаси, ун бошқа маҳсулотларни сотиш билан боргланган кўп миллион сўмлик ўғирликлар Андижон, Бухоро, Хоразм вилоятларидаги ва Қарақалпогистон республикасида тергов қилинмоқда.

Хукуқни муҳофаза қилиш органларининг куч-ҳаракатларини жамлаш республика иқтисодиётида гаразли жиноятчиликни аниқлашни 3,3 фоиз кўпайтириш имконини берди, улар бўйича қўзгатилган жиноий ишларнинг миқдори 12 фоиздан кўпроқ ошиди. Шу жумладан йирик ва алоҳида йирик миқдорда амалга оширилган жиноятларни очиб 3/1 ҳисса кўпайган. Уларнинг 120 таси живоий гуруҳлар томонидан амалга оширилди. Чайқовчилардан жиноий юл билан топилган 11 миллион сўмдан зиёд пул ва қимматбаҳо буюмлар мусодара қилинди ва давлат даромадига ўтказилди.

Валюта операциялари тўғрисидаги қоидаларни кўпол бузишлар ва қалбаки пул ҳамда қимматбаҳо қоғозларни тайёрлаш фактлари очиб ташланди, чунончи республика ИИВ иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси томонидан қалбаки валюта тайёрлаш ва сотиш билан шугулланган жиноий гуруҳ фош этилди. Тезкор қидирив тадбирлари ўтказиш давомида жиноятчилардан 3 минг доллар мусодара қилинди.

Жами 17 миллион сўмликдан зиёд саноат ва озиқ-овқат молларини эркин сотишдан яшириб қолишининг 1248 факти фош қилинди. Оширилган талаб қилинувчи молларни гайриқонуний равища база ва омборлардан сотишнинг 335 факти очиб ташланди, уларнинг ҳар бири бўйича қонун томонидан белгиланган чоралар кўрилди.

МДҲнинг бошқа минтақаларига товар-моддий бойликларни ноқонуний равища олиб кетишнинг олдини олишга ҳам катта аҳамият берилмоқда.

Чунончи республика ИИВ тергов бошқармасининг ходимлари иқтисодий жиноятларга қарши кураш бошқармаси билан ҳамкорликда республикадан ташқарига анча миқдорда рангли металлни гайриқонуний равища олиб кетишнинг иккита уринини фош қилишган. «Иттифоқ» кичик корхонасининг айрим ходимлари томонидан 1725 минг сўмлик 23 тонна мис ўғирланиши факти бўйича жиноий иш қўзгатилган. Иш бўйича республиканинг фуқароси қамоқча олинган. Октябрь революцияси номли тепловоз-ремонти заводидан 1,5 миллион сўмлик 200 тонна мис чиқити ўғирланганлиги бўйича тергов ишлари бормоқда.

Ўзбекистондан ташқарига жами 368 миллион 725 минг сўмлик товар-моддий қийматларни олиб чиқишининг 198 факти аниқланди ва бунга йул қўйилмади.

Шу йил январида Наманган вилоятининг Чорток туманида ДАН ходимларининг тезкор гурухи томонидан КамАЗ автомобили уни бошқаралётган Б. Жалилов инспекторларнинг сигналига бўйсунмаган ва бекинишга уринган, фақат қурол ишлатилганидан сўнтина кўлга олинган. Текшириш чорида автомобиль кузовидан ноқонуний харид қилинган моллар: 440 кути маргарин, 46 кути сариёғ, 25 кути димлама гўшт, 56 яшик лимон ва 47 килограмм хинд чой топилган.

Маълумик, жиноятларнинг кўпчилиги автотранспортдан фойдаланиши билан амалга оширилади, шунинг учун давлат автомобиль назоратининг сабаби ташқаридан қарши курашни ҳамда борчалотларни ошмоқда. Тошкентда ва республиканинг бошқа йирик шаҳарларидаги ДАН бўлинмалари томонидан юл ҳаракати хавфсизлигини, жамоат тартибини сақлашни таъминлашга ва умуман олганда транспорт билан боялиж жиноятларнинг олдини олишга йўналтирилган «Тун», «Ушлаш» ва бошқа тезкор излаш тадбирлари ўтказилалиги.

Республика ИИВ ДАН бошқармаси ташаббуси билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Йул ҳаракати қоидаларини бузгандик учун жавобарларни кучайтириш тўғрисида» ги қонуни ҳайдовчилар ва пиёдаларнинг интизомини мустаҳкамлаш учун катта аҳамият касб этди. Натижада транспортда авария қилишларининг пасайиши кўзга ташланди.

Йўлларда хукуқ тартибот бузилишларига

барҳам бериш анча кўпайди. 1991-1992 йилларда давлат автомобиль назорати ходимлари юл ҳаракати қоидалари 9 миллион яқин бузилишини аниқладилар, шу жумладан буларнинг 5 миллиондан ошиги кўпол бузилишлардир, транспортни маҳсулотларида 105 минг факти аниқланди. Транспорт воситаларини давлат номер белгиларисиз бошқариш фактларига қарши доимий кураш олиб борилмоқда.

Транспорт воситаларини ҳайдаш ва ўғирлашларга қарши кураш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Куч ва воситалардан комплекс фойдаланиши билан боялиж маҳсус мақсадли тадбирларнинг ўтказилиши уларнинг анча пасайишига олиб келди. Тошкентнинг ўзидагина бундай жиноятлар миқдори деярли икки баробар камайди.

Үтган йилда автомотранспортни ўғирлашлар миқдори 115 ҳодисага, ҳайдаб кетишлар 174 ҳодисага камайди, топилган ва фуқароларга қайтарилган транспорт воситалари миқдори 118 тага кўпайди. ДАН ходимлари юл-транспорт ҳодисалари вақтида яширган 1054 ҳайдовчини ушлади ва тергов органларига топшири, ДАН ходимларининг қотилларни очишда иштирок этиш факtlari беш баробар ва талон-торожлар ва қароқчиларча ҳужумларни йўқотишда иштироки 2,5 баробар кўпайди.

Республика «Қўриқлаш» бирлашмаси ва унинг ички ишлар органлари қошидаги бўлинмаларининг ходимлари маҳорат билан ҳаракат қилимади.

Үтган йилнинг ўзидагина улар 2 мингдан ошик жиноятнинг олдини олганлар ва фош этгандар, гумон қилинган салкам 2 минг кишини кўлга олганлар. Марказлаштирилган қўриқлаш пунктлари ва ҳарбий бўлинмаларнинг ушлади гуруҳлари томонидан кўриқланадиган ёъбектлардаги 696 ўғирликинг олди олинган, ҳалқ мулкига қўл кўтартган 825 киши ушланган.

Шу йилнинг январь ойининг эрта тонгидан Наманган туманда ДАН қошидаги қўриқлаш бўлинманинг марказлаштирилган пунктига саккизинчى «Спорт моллари» дўконидан ташвиши сигнал келиб тушди. Кўрилган чоралар натижасида ушбу дўкон юкчиси Б. Ю. ушланган, ундан 12506 сўмлик мол мусодара 2825 киши ушланган.

Кўриқлаш хизмати ходимлари республика саноат корхоналаридан хом ашё, маҳсулот ўғирлаш манбааларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича тадбирларни ўтказиш чорида 21 мингдан ортиқ ташмачини ушланган, улардан жами 1 миллион сўмликдан ортиқ товар-моддий қийматлар мусодара қилинган ва давлатда қайtarilgan.

Кейинги вақтда корхоналар ва ташкилотларнинг бир қисми томонидан уларни қўриқлашга доир шартномалар бекор қилинаётгани ташвишга солади, чунончи Косон ёғ экстракция заводининг раҳбарлари моддий жиҳатдан жамоага фойдасиз деган сабаб билан қўриқлаш бошқармаси билан тузилган шартномани бекор қилгандар. Ҳолбуки ҳар куни заводдан унинг ходимлари килограмми 68 сўм турадиган ўсимлик ёғининг камиди 100-115 килограммини олиб чиқишига олади. Бу қуруқ гаиб эмас, вилоят қўриқлаш бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган рейд ана шуни кўрсатади. Бир кунда 5 та ташмачи ушланди, улардан 71 килограмм соя ёғи тортиб олинди. Бундан ташқарига завод эшиги олдида ана шу камеъ маҳсулотини 100 килограмм солинган ва кўркандан ташлаб кетилган фляга топилган.

Қўриқлаш бўлинмалари ҳалқ мулкини, фуқароларнинг шахсий мулкини қўриқлашни яхшилаш учун кўп иш қилишлари мумкин, лекин ҳал қилинши уларга боялиж бўлмаган муаммолар бор. Телефон линияларидан фойдаланиши нархларининг ҳаддан ташқари юқорилиги натижасида баъзи ҳужалик раҳбарлари ва квартира эгалари шартномаларни бекор қилишига олади. Бирлашманинг ушбу масалаларини тартибга солини борасида республика Алоқа вазirligiga килган мурожаатлари ижобий натижага бермади.

Ҳозирги шароитда ишлани ўзбекистон милицияси ходимлари учун осон бўлмаяти. Илгари омбабон бўлиб туюлган маъмурӣ ва ижтимоӣ таъсир кўрсатиш чоралари ўзининг самародорлигини йўқотмоқда. Бу нарса тарбиявий-олдини олиш ишита ва унда жамоат кучлари, меҳнат жамоатларининг профилактика кенгашлари, кўнгилли ҳалқ

дружиналари тартибли муҳофаза қилиш пунктлари иштирок этишининг мавжуд шаклларига тааллуқидир.

Бугунги кунда ички ишлар органлари хукуққа қарши ҳатти-ҳаракатнинг олдини олиш ва ҳукуқ бузувчиларга тарбиявий тасир кўрсатишнинг янги шаклларини изламоқдалар. Сирдарё вилоятининг ИИБ тажрибаси эътиборга лойиқ, бу ерда бир қатор турар жойларда аҳолини ҳукуқий ва аҳлоқий тарбиялар марказлари ишлаб турибди. Уларда ҳаёт тажрибаси бой бўлган оқсоқоллар, меҳнат фахрийлари, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, руҳонийлар ва бошқалар ишлаб бормоқда. Илгари судланган кишилар, хотин-қизлар билан ишлап бўйича, оиласарда, ёшлар ўртасида тарбия иши бўйича, ички-лиқбозликнинг янги шаклларини изламоқдалар. Илгари судланган кишиларга хотин-қизлар билан ишлап бўйича, гиёҳвандликнинг олдини олиш бўйича, ҳалқ дружиналари фаолиятини ташкил этиш бўйича секциялар тузилмоқда. Миробод туманидаги Шароф Рашидов номли, Ҳамза туманидаги «Бирлашган» маҳалла комитетлари ҳужумкор ишлаб бормоқда.

Бевосита якка тартибда тарбия ишини олиб бориши билан бирга маҳалла комитетлари, ҳалқ дружиналари фаоллари тартибини сақлашни такомиллаштириш, ҳукуқ бузилишларнинг олдини олиш бўйича таклифлар тайёрламоқдалар, ҳукуқий мавзууларда сұхбат қурилмоқда, бунинг учун аҳоли йигинларидан, йигилшиларидан фойдаланмоқдалар, илгари судланган кишиларга ижтимоӣ оқланишида, ишга жойлашишда ёрдам бермоқдалар, маъмурий назоратни амалга оширишда милицияга кўмаклашмоқдалар.

Республика ички ишлари органлари фаолиятида ҳал қилинмаган муаммолар, камчилик ва нуқсонлар йўқ десак, эҳтимол тўғри бўлмас. Улар бор. Вазирлик ҳайъатининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида бу ҳақда батафсил гапирилди. Унда барча вилоятларнинг ички ишлар органлари, республика ИИВ бўлинмалари ва аппарат хизматларининг раҳбарлари қатнашди. Ўзбекистон милиция ходимларининг аксарияти ўз хизмат бурчини аъло даражада бажармоқда, фуқароларнинг тинччиги ва осойишта меҳнатини қўриқлаб, кўпинча ўз соглиги ва ҳаётини гаровга қўймоқда. Ўтган йилнинг ўзидаётк республика ички ишлар органларининг 39 ходими хизмат вазифасини бажариш чорига ҳалок бўлган, 5,5 минг ходимга нисбатан жиноятчилар томонидан ҳукуққа қарши ҳаракат қилинган, 34 минг милиционер хизмат бурчини аъло бажарганини учун раҳбарият томонидан тақдирланган.

Президент ва ҳалқнинг мададини ҳис этган милиция ходимлари қатъият ва матонат билан ҳаракат қилимади. Кейинги вақтда жиноятчиларни ушлаш пайтида табель қуоролидан салкам 100 марта фойдаланилган. Прокуратура органлари бу ҳаракатларни тўғри деб эътироф этди. Қонунни оёқ ости қиладиганларнинг ҳаммаси ниҳоят шуни қатъиян билиб олишлари керак: жиноятчиларни қарши курашда раҳимдилликка ўрин йўқ. Ҳар қандай ҳаракат ички ишлар органлари томонидан муносиб зарбага учрайди.

Ҳамма билиб қўйинки, Ўзбекистон милицияси ўз ҳалқига хизмат қилади ва биз чироили сўзлар билан ниқбланган, лекин ўз иродасини тиқиширишга уринаётгани ҳеч қандай муттаҳамларга йул бермаймиз. Президент И. А. Каримов айтганидек, биз ўз ривожланиши ўйлимизга эгамиз ва ундан қайтмаймиз.

Жиноятчиларни қарши курашни қатъият билан кучайтириш тўғрисида гапиригана барча ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари, турли вазирлик ва идоралар, жамоатчиликнинг куч-ҳаракатларини жиноий ҳодисаларга қарши ҳаракат қилиш самародорлигини кентайтириш учун жамлаш бўйича сиёсий, ташкилий ва ҳукуқий чоралар тизимисиз ҳеч иш қилиб бўлмаслигини англашмиз зарур. Бунда республика жиноятчиларни қарши кураш бўйича давлат дастури энг муҳим омил бўлиши керак. Амалдаги қонунчиликни тақомиллаштириш, оператив вазиятини ва жиноятчиларни женоатлигидан прогнозлаштириш, комплекс таҳлил қилиш, олдини олиш характеристидаги келишпилган чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш гоятда муҳимдир. Фақат шундагина жиноятчиларни ҳақиқатдан ҳам барҳам бериш тўғрисида жиддий гапириш мурожаатлари ижобий натижага бермади.

ФОЙДАНИГ ФОЙДАСИ

Челак туманининг Чопарашли қишлоғида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, 1954 йилда туғилган Ҳолҷигит Ҳусанов ўзининг шахсий уйини дўконга айлантириб олган экан. У ҳовлисига кириб келган харидорга 40 кути «Астра» сигарети, 50 та чинни товоқни сотиб, 6400 сўм фойда кўраётганида тумшугидан илниди. Унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖМ 175-моддасининг 2-қисми билан қўзатилган жиноий иш ниҳоясига етказилиб, судга оширилди.

6400 сўм фойдау давлат фойдасига ўтказилиши аниқ, лекин айборни яна қандай жазо кутаяти, буниси ҳакамларга ҳавола.

ХИЁНАТ ҲАМ ЖИНОЯТ

Шу туман матлубот жамиятига қарашли 19-сон ҳўжалик дўконининг сотувчиси Шариф Имомов харидор ҳақига хиёнат қилиш касалига мубтало бўлибди. Бундай ҳолни эшитган ИИБ ИЖК ходимлари текширув ўтказган пайтда, у ўз ҳаридоридан 299 ошиқча ҳақ олиб қолганлиги маълум бўлди.

</

ДУШАНБА**1 МАРТ****ЎзТВ-1**

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.20 "Уч сухбат". Аелнинг оиласа, жамиятда тутган ўрни. 19.00 "Ўзбекистон" (рус). 19.20 "Тилга эътибор". Ўзбек атамашунослиги ва Шарқ тиллари. 20.00 Дунё хабарлари. 20.10 Баҳор тароналари. 20.30 "Ўзбекистон" 20.55 Эълонлар. 21.00 "Назорат ойнаси". 21.40 Телеспектакль. 23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ-11**"ТОШКЕНТ" СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ**

18.30 "Ассалому алайкум" (такрор). 19.30 "Совға". 20.00 "Лаҳза". 20.15 "Курилиш тажриба ва муаммолар". 20.55 "Тошкент гуллари". 21.05 "Тошкент шаҳар соглиқи сақлаш бошқармаси: бугун ва эртага". 22.05 "Лаҳза". 22.20 "Хатарли парвоз". Бадий фильм.

"ОРБИТА IV"

6.00 "Якунлар". 6.45 "Тонг". 9.00 Янгиликлар. 9.20 Мультфильм. 9.45 В. Молчановнинг муаллифлик кўрсатуви. 10.30 "Брейн-ринги". 11.30 "Гол". 12.00 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Телемикст". 16.10 Мультфильм. 16.20 "Танлаш-2000". 17.05 "Стартин эйджер". 17.50 "Технодром". 18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.25 "НЭП". 18.55 "Иқбали кулганда". 19.35 "Гол". 20.10 "Горячев ва бошқалар". Бадий телесериал. 5-серия. 20.40 Хайрли тун, кичкитойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгиликлар. 21.25 "Мулкдор алифбоси". 21.35 "Горячев ва бошқалар". Бадий телесериал. 6-серия. 22.05 "Спорт уик-энди".

"Янги студия" таниширади:
22.20 "Матбуот-клуб". 00.35 "Евеник ва...". 00.50 "Джемсейши". "Кукуруза" ансамблининг концерти.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 Мульти-пульти. 9.05 "Мутлако маҳфий". 9.55 Тонги концерт. 10.10 "Тилла шпорта". 10.40 "Рек-тайм". 11.10 "Ўзгалар орзузи". Бадий фильм. 12.50 "Дехқонларга таалуқли масала". 13.15 Чанги спорти бўйича жаҳон чемпионати. Швециядан кўрсатилади. 14.00 Россия телевизион театри. "Қафас". 15.30 "Американинг ёввойи табиати". Ҳужжатли фильм. 1-фильм 16.10 Янгиликлар. 16.25 "Рост" студияси. 16.55 "Кутқариш хизмати — 91!".

18.00—20.10

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.10 Рақс марафони. 20.55 Душанба куни детектив. "Сент-Луис блюзлари тўплами". Бадий фильм.

21.55—22.25

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.25 "Ҳакикат онлари". 23.20 Спорт кўрсатуви. 23.25 "Матбуот гўвали-92". 23.50 "Репортёр". 24.00 "Тақдир чорраҳалари" 2-кўрсатув.

**СЕШАНБА****2 МАРТ****ЎзТВ-1**

7.00 "Ўзбекистон". 7.25 Телефильм. 7.50 Дунё хабарлари. 8.00 "Уч кирол жанги". Бадий фильм. 1—2-сериялар. 10.05 Ўзбек тилини ўрганамиз. 10.35 "Рўзгор ташвишлари". 11.20 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари. 11.50 "Ишонч"...

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.30 "Кичкитой устахонаси". 19.00 "Ўзбекистон" (рус). 19.20 "Спортлото". 19.25 "Адолат". Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув. 20.00 Дунё хабарлари. 20.10 "Шеърият дафтаридан". 20.20 "Чор Бакр". "Ўзбектелефильм" премьераси. 20.30 "Ўзбекистон". 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон ва жаҳон". Давлатимизнинг Бирлашган Миллатлар ташкилотига аъзо бўлганлигининг 1 йиллигига. 21.30 "Уйга қайтид...". Бадий фильм. 23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ-11**"ТОШКЕНТ" СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ**

18.30 "Уолт Дисней таниширади...". 19.20 "Жамгарма банки ходимлари билан бевосита мулокот". 20.20 "Мусикали меҳмонхона". 21.00 "Театр оламида". 22.00 "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

6.00 Янгиликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгиликлар. 9.20 "Кидди-Видди". 9.35 "Ёлғон дарё". Бадий фильм. 10-серия. 10.35 "Миниатюра". 10.50 "Горячев ва бошқалар". Бадий телесериал. 5 ва 6-сериялар. 11.50 "Матбуот-экспресс". 12.00 Янгиликлар. 12.20 "Фруза". Телевизион бадий фильм.

ЎзТВ-11

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Ишбилармонлар хабарномаси". 15.40 "Адам Смит бойлиги дунёси". 16.10 "Ён дафтар". 16.15 Мультфильм. 16.35 Сиз учун учрашувлар. 17.20 "Болалар телевидениеси ассоциацияси". Болалар эстрада қўшиқлари IV фестивали (Таллинн шаҳри). 18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.25 Давлатлараро "Останкино" телеканали таниширади. 18.50 "Муқовадаги суррат". Телеочерк. 19.00 "Ёлғон дарё". Бадий фильм. 10-серия. 19.55 "Мавзу". 20.40 Хайрли тун, кичкитойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгиликлар. 21.25 "Мегрэ вазир хузурида". Телеспектакль. 1-қисм. 22.40 "Матбуот-экспресс". 22.50 "Джаз портретлари". 23.40 "Шеърият альбоми". 24.00 Янгиликлар. 00.35 Футбол. Кубок эгаларининг кубоги. 1/4 финал. "Фейеноорд" (Голландия) — "Спартак" (Москва). Голландиядан олиб кўрсатилади.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 "Ҳакикат онлари". 9.50 Ишдан бўш пайтингизда. 10.05 Мусикий йирик планда. 11.05 "Сиз

яратган бўғ". 11.35 "Телекросворд". 12.05 "Катта шаҳар чироклари". Бадий фильм. 13.30 Мульти-пульти. 13.40 "Дехқонларга таалуқли масала". 14.05 Ашерлар уйи". Бадий фильм. 15.40 "Телебиржа". 16.10 Янгиликлар. 16.25 "Қалб қўрингизни багишиланг". 16.55 Трансрөсэфир. 17.40 "Кўҳна Псковнинг рангтасвири".

18.00—23.05**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
23.05 Санкт-Петербург балети. 23.50 Спорт кўрсатуви. 23.55 Мусикий синов.

ЧОРШАНБА**3 МАРТ****ЎзТВ-1**

7.00 "Ўзбекистон". 7.25 Телефильм. 7.45 Дунё хабарлари. 7.55 "Ўтган кунлар". Бадий фильм. 9.30 Турк тили. 10.00 "Ёшлик" студияси саволларингизга жавоб беради. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Биология. 11.00 "Уорлднет телекомпаниясининг янгиликлари. 11.30 Ўқув кўрсатуви. Киме. 12.00 "Анъана ва замон".

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.30 "Талабалик йилларим". 19.00 "Ўзбекистон" (рус). 19.20 "Эртанги кунга ишонч". Ахолини иш билан таъминлаш. 20.00 Дунё хабарлари. 20.10 "Ёшлар кўйлаганди". 20.30 "Ўзбекистон". 20.55 Эълонлар. 21.00 "Кино жавонидан". 21.40 "Демидовлар". Бадий фильм. 1-серия. 23.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ-11

"ТОШКЕНТ" СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 "Мўъжизалар, мўъжизалар...". 19.10 "Билим сарчашмалари". 19.50 "Спринт". 20.10 "Шахар юмушлари". 21.10 Мусикий дақиқалар. 21.25 "Суперспорт". 22.10 "02" тўлкинида. 22.30 "Кинотриада".

"ОРБИТА IV"

6.00 Янгиликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгиликлар. 9.20 "Тингланг, томоша қилинг". 9.40 "Ёлғон дарё". Бадий фильм. 11-серия. 10.35 Мультфильмлар. 11.00 Футбол. "Фейеноорд" (Голландия) — "Спартак" (Москва). 2-тайм. 11.50 "Матбуот-экспресс". 12.00 Янгиликлар. 12.20 "Ўз ери". Телевизион бадий фильм. 13.55 "Сапожников хотини".

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Телемикст". 16.10 "Ён дафтар". 16.15 Мультфильм. 16.40 "Бизнинг мусикий клуб". 17.20 Мультфильм (АҚШ). 17.50 "Технодром". 18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.25 Давлатлараро "Останкино" телеканали таниширади. 18.50 "Ёлғон дарё". Бадий фильм. 11-серия. 19.45 "Миниатюра". 20.00 "ТВ-версия". 20.40 Хайрли тун, кичкитойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгиликлар. 21.25 "Мегрэ вазир хузурида". Телеспектакль. 1-қисм. 22.40 "Матбуот-экспресс". 22.50 "Джаз портретлари". 23.40 "Шеърият альбоми". 24.00 Янгиликлар. 00.35 Футбол. Кубок эгаларининг кубоги. 1/4 финал. "Фейеноорд" (Голландия) — "Спартак" (Москва). Голландиядан олиб кўрсатилади.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 "Ҳакикат онлари". 9.50 Ишдан бўш пайтингизда. 10.05 Мусикий йирик планда. 11.05 "Сиз

ликлар. 21.25 "Мегрэ вазир хузурида". Телеспектакль. 2-қисм. 22.30 "Катта сайр". 23.10 "Кафе-квартал". 24.00 Янгиликлар. 00.35 Футбол. Чемпионлар лигаси. МАСК — "Олимпик" (Марсель, Франция). Германиядан олиб кўрсатилади. 02.20 "Матбуот-экспресс".

"ДУБЛЬ IV"**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 "Менинг Ватаним". 9.50 "Ўз-ўзига режиссёр". 10.20 "Пост-Монте фестивали". 11.20 Россия сирларини асрорчилар. "София қаерда бўлса — ўша ер Новгород". 12.00 "Санта-Барбара". Бадий телефильм. 138 ва 139-сериялар. 13.40 "Дехқонларга таалуқли масала". 14.05 "Особий штатик №9". 15.05 "Хали англамаган коинот". 15.40 "Сигнал". 15.55 "Нефть". 16.15 Янгиликлар. 16.30 "Рост" студияси. 17.00 Трансрөсэфир. 17.45 Мульти-пульти.

18.00—22.30**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

22.30 "Нота бене" студияси. 23.25 "Ўз-ўзига режиссёр". 23.55 "Оркестрда факат кизлар". 00.25 "Пост-Монте фестивали".

ПАЙШАНБА**4 МАРТ****ЎзТВ-1**

7.00 "Ўзбекистон". 7.25 Телефильм. 7.40 Дунё хабарлари. 7.50 "Сирли ворис". Бадий фильм. 1—2-сериялар. 10.00 Араб тили. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон тарихи. 11.00 "Саломат бўлинг!". 11.20 "Уорлднет телекомпаниясининг янгиликлари. 11.50 "Шоирлар — болаларга". 12.20 "Қизил Яримой шуласи".

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.30 Болалар учун. "Ассалом, баҳор!". 19.00 "Ўзбекистон" (рус). 19.20 "Элга хизмат". 20.00 Дунё хабарлари. 20.10 "Особий штатик посыпнари". Ички ишлар вазирлиги хабарномаси. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Эълонлар. 21.00

спектакль. 14.50 Мультфильм. 15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.25 «Бридж». 15.50 «Бизнес-класс». 16.05 «Ён дафтар». 16.10 Мультфильм. 16.20 Болалар учун фильм. 17.25 «Россия меценатлари». 17.50 «Иш». 18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали. 18.45 «Инсон ва конун». 19.15 «Америка М. Таратута билан». 19.45 «Мўъжизалар майдони». 20.40 Хайрли тун, кичкитойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгиликлар. 21.25 «Хафтанинг машхур кишиси». 21.40 «Детективлар клуби» да. «Йўлдан озган фаришта». Кўп серияли телевизион бадий фильм. 23.15 «Хеч нарса ҳакида репортаж».

«ВИД» таниширади: 23.20 • «Сиёсий бюро». 00.35 «Музобоз». 01.15 «Автошоу». 01.30 «Обоз» майдончаси. Танафус пайтида (24.00) — Янгиликлар. 02.30 «Матбуот-экспресс».

«ДУБЛЬ IV»**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 «Осоишта ўй». 9.50 «ТВ-ателье». 10.05 «Кичик Европадан репортажлар». 10.35 Рақс марафони. 11.20 «Оқ қарға». 12.05 «Санта-Барбара». Бадий фильм. 140-серия. 12.55 «Пилигрим». 13.40 «Дехқонларга таалуқли масала». 14.05 «Ижица». 14.35 «Россиянинг навқирон истеъоддлари». 15.35 «Телебиржа». 16.05 Янгиликлар. 16.20 Трансрөсэфир. 16.50 «Метрополдаги сұхбатлар». 17.10 Жума кунлари Дисней.

**18.00—19.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.00 «Калит» кўрсатуви. «Сталин». 19.35 «Ҳар бир кун байрам». 19.45 «Эллик учинчи йилнинг совук ёзи». Бадий фильм.

**21.25—24.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

24.00 «К-2 таниширади: «Халқ фраки». 00.50 Театр сафари. Болалар хокимият тегасида.

ШАНБА**6 МАРТ****ЎзТВ I**

7.00 «Ассалому алайкум». 8.00 Дунё хабарлари. 8.10 Алифо сабоқлари. 8.40 «Олти жаҳонгашта». Бадий фильм. 9.45 «Даврага кел, дугонажон». 10.45 «Жамоат ташкилотларида». 11.15 «Хужжатли экран». 12.00 «Шахрисабз — ишак шаҳри». 12.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Менинг маҳаллам». 13.10 «Курилиш жабҳаларида». 13.40 «Шанба учрашувлари». «Ўзбекелефильм» студиясининг режиссёри Аброр Кошимов. 18.00 «Умид учкунлари». 19.00 «Ўзбекистон» (рус). 19.20 «Оддий кун». Телефильм. 19.30 «Ҳаёт кувончлари ва ташвишлари». 20.30 «Туркистон». 21.00 Киноконцерт. 21.40 «Маҳобхорат». (Хиндистон), 6-серия. 22.25 «Ўзанини топар дарёлар». 23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II**17.00 АШГАБАД
КЎРСАТАДИ****«ОРБИТА IV»**

7.00 Эрталабки гимнастика.

7.10 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 7.55 Янгиликлар. 8.30 «Матбуот-экспресс». 8.40 «Спорт-имконият». 9.10 «Марафон-15» — кичкитойларга. 9.35 Экологик шарҳ. 9.50 «Эльдорадо». 10.20 «Шанба кунги дастхат». 10.50 «Мўъжизасиз мўъжизалар». 11.20 «Мусиқий дўкон». 11.50 Хужжатли фильм. 12.50 «Биз араб-авайллаган Россия». 13.30 «Соло». 14.00 Давлат академик Шимол рус халқ хорининг бадий раҳбари Нина Мешко билан учрашув. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Телефильм. 15.55 Мультфильмлар. 16.20 «Кирол Шарқдан келадими?». 16.45 «Телевёдномалар». 17.15 «Ультраси». 18.10 «Қизил квадрат». 18.50 «Бахти тасодиф». 19.50 «Коламбия пикчерс» таниширади. «Ўзиникига қарата ўт очиш». Бадий фильм. 20.40 Хайрли тун, кичкитойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгиликлар. 21.25 «Коламбия пикчерс» таниширади. «Қироллик курсисида». Бадий фильм. 22.25 «Матбуот-экспресс». 22.40 «Бир бокишида муҳаббат». 23.20 «Арс» кечки-музиқий қаҳвахона. 01.30 «100 С». 02.00 Футбол. «Уэмбли сари ўйда».

«ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.20 «Оламга ўз нигоҳи билан қараш». 8.45 «Уҳашаш дунёлар». 9.15 «Рост» студияси. «Бизнинг «Аралаш-қуралаш». 9.45 «Кузирихоним». 10.15 «Пигмалион». 11.00 Мультфильм.

**11.15—15.00
«ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО
ТЕЛЕКАНАЛИ**

1. «Экосан». 2. «Умид» (ўйгар тилида). 3. «Оқ бўрон». 4. «Цирк, цирк, цирк». 5. «Мерос».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.00 «Монолог». Бадий фильм. 16.45 «Репортёр». 17.05 «Ўйнингизга тинчлик-хотиржамлик тилаймиз».

**18.05—22.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 «Джентельмен-шоу». 23.00 «Чегарасиз футбол».

**ЯКШАНБА
7 МАРТ
ЎзТВ I**

7.00 Телефильм. 7.10 Сайдовлар оиласи ансамбли кўйлади. 8.00 «Туркистон». 8.30 «Маҳобхорат». 5-6 сериялар. 10.00 «Кувноқ стартлар». 10.45 Публицистик кўрсатув. 11.20 «Ким чакон?». 12.00 «Инсон ва замин». 13.00 Дониёр Тошмуҳамедов кўйлади. 13.30 «Ватанпарвар». 14.00 «Марду майдон». Қашқадарё вилояти.

18.00 «Фақат сиз билан...» «Бахор байрамига багишлианди. 19.00 «Ўзбекистон» (рус). 19.20 «Ахвол қандай, чемпион?». 19.45 Адабий-музиқий композиция. 20.30 «Ўзбекистон». 21.00 «Темир хотин». Бадий фильм. 23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

**ЎзТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ**

9.05—12.00 Программада: «Хуш хабарлар», «Бабалардан қолган соғ», «ТТ» (телеvikторина), «Баластандиң мейманканасинда», «Жилдишу бала», мультфильм.

18.05 Мультфильм. 18.15 Концерт (рус). 19.00 Хабарлар. 19.15 «Бактилуу байбичелер». 19.45 «Жаз майрами — ир майрами».

20.55 «Олимхон». Бадий телефонфильм.

«ОРБИТА IV»

6.55 «Рухни чинқириш». 7.55 Янгиликлар. 8.30 Эрталабки гимнастика. 8.40 «Спортулото» тиражи. 8.55 «Марказ». 9.25 Мультфильм. 9.55 «Хозирча ҳаммаси жойида». 10.25 «Тонг ўлдузи». 11.15 «Пи» белгиси билан. 12.05 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун телефонфильм. 12.30 «Ишкӣ ёзишмалар» ёки «Соня билан Америка томон саёҳат» 1-кўрсатув. 12.55 Мультфильм. 13.15 Байрам концерти.

«КТВ-1» ва «Франс интернасиональ» канали таниширади:

13.55 Мультфильм. 14.05 Хужжатли фильм.

15.00 Янгиликлар. 15.15 «Саёҳатчилар клуби». 16.05 Мультфильмлар. 17.05 Давлат Россия духовой оркестири чалади. 17.20 «Эфирда бевосита мулодот». 18.00 «Панорама». 18.45 Янгиликлар. 19.00 «Ҳунарли хор бўлмайди». 19.05 Кунлар ва оқшомлар». 2-кўрсатув.

Якшанба кинокўрсатувлари

20.05 «Қайсаннинг куйилиши». Бадий фильм. 21.40 «Москва кино-хит-паради». 21.55 Эълонлар.

22.00 «Якунлар». 22.50 «Парижда аъло даражадаги модалар хафталиги». 1-қисм. 23.50 Мультфильм. 24.00 Янгиликлар. 00.20 Хит-мастер. «50x50».

«ДУБЛЬ IV»**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

8.20 Баскетбол шарҳи. 8.50 «03» кўрсатуви. 9.20 «Рост» студияси. 9.50 «Агар сиз...» 10.20 «Ўйнингизга тинчлик хотиржамлик тилаймиз». 11.20 «Ати-бати...»

**11.50—15.00
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО
ТЕЛЕКАНАЛИ**

Кўрсатувлар 8 марта байрамига багишлианди.

1. «Авлодлар». 2. «Чисен» (корейс тилида). 3. «Безнен миран» (татар тилида). 4. «Тошда акс этган камалак». 5. «Ишибилармон аёллар». 6. «Рангикамон» (тожик тилида).

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.50 «Кесиб ташламанг...» 16.05 «Хайвонот оламида». 17.00 XX аср кадрда ва кадр ортида.

**18.00—18.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.50 Диснейнинг сехрли олами. 19.40 «Ҳар кун байрам». 19.55 «Дунёнинг буюк цирклари». 20.55 Мусиқий телефонфильм.

**21.55—24.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

24.00 «Худди ўша Горин». 1- ва 2-қисмлар.
(«ТОШКЕНТДАН ГАПИРАМИЗ ВА КЎРСАТАМИЗ», ДАСТУРИДАН ОЛИНДИ).

**«ШЎРИМИЗ
КУРИДИ, ДАДАСИ...»****(БЎЛГАН ВОҶЕА)**

Баҳорда ёғингарчилик кўп бўлиб, қишлоққа олиб кирадиган ягона йўлдан трактор, машиналар юравериб, увадасини чиқариб юборган. Атроф тизза бўйи лой. Ҳатто «МАЗ», «КамАЗ»лар ҳам белигача ботади. Оёқ боссанг, сақич лой ажриқдек панжаси билан этикка ёпишиб, ерда михлангандек қоласан. Ёмғирдан бўккан ердан тезак, тўзапоя иси анқир, қишлоқ томонлардан ёмғирга бўккан эшакларнинг бир-бирига гал бермай ҳанграгани эшиларди. Олдинда, канал бўйида бўлса керак, лойга ботган трактор гуриллайди.

Қишлоқ йўлида уч кишининг қораси кўринди. Улар майдалаб ёғаётган ёмғирни назар-писанд қилмаётгандай аста-аста гурунглашиб боришарди. Бири—шоп мўйловли, белига кийикча боғлаб, бошига дўпли кийган Тойир ака, елкасига кетмон ташлаб олган, 38 ёшлар атрофида гигит эса Қобилжон, қўлида чойгум кўлтиқлаган, қора қош узун бурунли гигит Найимжон. Улар ҳозирги тўйлар хусусида тортиши б-талаши б баҳслашишарди. Тортишув жонига теккан Қобилжон мавзуни ўзгартирди:

— Тунов куни божам: «Қўй олгани мен билан бозорга бориб келинг», — деб қолди. Шундек мол бозорига кириб борсан айланга шаклида тумонот одам. Қўрган одам бу ерда дарбозлар ўйин кўрсатаётган экан-да, деб ўйлади. Бориб қарасак, ўртада катта түя ётибди. Унинг қаршисида бир қари кампир туриб олиб ҳадеб: «Ҳа сакранг энди, қўрқманг, тепмайди», деб ҳай-ҳайлаб турарди. 35 ёшлардаги ҳомиладор аёл ҳадеганда түянинг бўйнидан сакрай олмай ўзини орқага олади. «Ҳа, нега бунча қараб қолдиларинг, келиним тия гўши еб қўйган экан. Ҳовир ўн бир ой бўлаяпти, кўзи ёримаяпти. Ўшанга түянинг бўйнидан ҳатлаб ўтса бўлгани, ирим-чиримини келтириш керак», деб барчани нари бор, бери кел, деб ҳайдаб турибди. Ҳомиладор аёл охир бир амаллаб түянинг бўйнидан ҳатлаб ўтди. Қизик одатларимиз бор-да. Сал нарсага қистир-қистирни бошлаб юборишади. Қампир билан келин

ХУДОЁРГА ХУДОЁР БҮЛСИН



Худоёр Облоёров армиянинг ички қўшиларида хизматдан қайтганида спортнинг каратэ турини яхшигина эгаллаб келган эди. Одатда, бундай йигитларни назардан қочирмайдиган ички ишлар бўлимларининг назарлари Худоёрга ҳам тушди. Зеро ҳозирги алғов-даллов замонда ички ишлар бўлинмалари учун Облоёровдек пишиқ-пухта, жисмоний тарбияланган йигитлар ниҳоятда зарур. Шундай қилиб, Облоёровга Фаргона шаҳар ички ишлар бўлими ДАН бўлинмасида ишлашини таклиф этиши.

Милиция формаси басавлат, бўйи иккиметрдан сал зиёдроқ Худоёрга ниҳоятда ярашди. У ишни автокорхоналар жамоалари фаолияти билан танишишдан бошлади. Шаҳардаги 9-автокорхонада бўлиб, ҳайдовчилар билан қатор сұхбатлар ўтказди. Бошқа автокорхоналардаги автомашиналарнинг техник ҳолатлари билан таниши.

3-автокорхонада, «Автодормехбаза» да бўлганида, ҳатто «мехбаза» директори Собиржон aka Жўраев ишчи-хизматчилар номидан ДАН инспекторига мазмунли сұхбати учун алоҳида миннатдорчиллик билдири.

Ёш инспекторга шаҳар ИИБ ДАН бўлинмаси бошлиги, милиция капитани Олимжон Арслонов катта кўмак бериб, устозлик қилди. Натижада саъй-ҳаракати, тиришқоғлиги, ишдаги масъулияти боис Худоёр Облоёров милиция-катта сержантини увоннига сазовор бўлди. Қолаверса, спорт

соҳасидаги билим ва малакаларини ҳамкасларига ўргатишдан чарчагани йўқ.

Шу йил 15-16 январь кунлари Фаргона шаҳрида «Транспорт» тадбири ўтказилди. Унда милиция катта сержантини Х. Облоёров ҳам фаол иштирок этди. Қоиди ва тартиб бузувчиларнинг кўпчилигини ушлади, у навбатчилик қилиб турган пайтида Фаргона шаҳрининг Марғилон тарафга кетувчи йўлларидан бирида катта тезлиқда келаётган «Жигули» автомашинасига назари тушди. Дарҳол Ёрмозор қишлоғига киравёрища у машинани тўхтатди. Маълум бўлишича, фаргоналик Султонали Абдураҳмонов отаси номидаги «ВАЗ-2106» белгили, давлат номери Л 42-07 ФЕ рақамли машинасини гувоҳномасиз, ишонч қозосиз бошқарив кетаётган экан. Эндиликда Абдураҳмонов суд олдида жавоб берадиган бўлиб турибди. Ёхуд, яна ўша жойда Л 32-88 ФЕ давлат рақамли «Запорожец» автомашинасининг бошқарувчиси Абдуқосим Ҳасанов светофорни писанд қилмай, қизил чироқда ўтиб кетди. Машина тўхтатилганида б дона бир литрлик ароқ, 40 та пакетда конфетлар, б дона француз атири, б дона эрекларнинг оқ шими борлиги ҳам аниқланди. Иш терговга оширилди.

Абдуҳаким АҲМЕДОВ,
жамоатчи мухбир.

Тасвирида: милиция катта сержантини
Х. ОБЛОЁРОВ.
М. САРИМСОҚОВ суратга олган.

Вақтинчалик хукмронлик қилаётган иқтисодий танқисликни баркарорлашириш мақсадида вилоят ИИБ ИЖК бўлими ходимлари тинмай меҳнат қилишмоқда. Ходимларимиз бозор муносабатлари, хусусий дўконларнинг иш тизимини ўрганиб, бу соҳадаги қингирликларни ҳам муваффақиятли фош этмоқдалар.

Айтиш мумкинки, айрим хусусий дўкон эгалари давлат базалари, савдо ва бошқа маҳсулот келувчи нуқталардан мол олиб, аҳолига истаган нархда сотмоқдалар.

Буларку «хусусиймиз», деб ўзларини оқламоқчи бўлишади, давлат

масъулиятнинг йўқлигини аниқладик. Термиз туманидаги бўрдоқичилик фермасидаги ноинсоғизлил эса ҳаммани лол қолдириши турган гап. Бу фермадан 3 миллион сўмга яқин гўшт қалбаки ҳужжатлаширилиб, чиқариб юборилган. Яхшиямки, Шеробод постидаги ДАН ходимларининг хўшёrlиги туфайли қалбакилик аниқланиб, текширишлар бошланди.

Натижада бўрдоқичилик фермасида 37 бош қорамол камомади фош этилди. Бу воқеа ҳам ферма раҳбарларининг айблари билан содир этилган.

Булардан ташқари ходимларимиз шўрчилик шахснинг Афғонистон

НОПОКЛАР ЖИЛОВЛАНЯПТИ

бошқарувидаги завод, корхона, ташқилотлар-чи?

Ўтган йили Денов шаҳрида жойлашган ароқ заводидаги номаъкулчиликлар ҳақида аҳолидан, савдо ташқилотларидан кўплаб ариза ва шикоятлар туша бошлади. Ана шу заводни ноябрь ойида текширдик. Ўша куни цех бошлигингин уч яшик ароқни номаълум шахсга 18 мингта сотаётганинг устидан чиқдик. Омборхонада савдо тармоқларига жўнатиш учун тайёрлаб кўйилган 56 минг шиша ароқ ўлчангандан ҳар бир шишага 45 грамм кам кўйилгани аниқланди.

Текширишлар шуни кўрсатдик, бир кунда ишлаб чиқарилётган ароқдан «тежалаб» қолинаётганинг ўзи З тоннаю 900 литрни ташкил этаркан. Пулга чақилганда бир миллион 700 минг сўм дегани у.

Ходимларимиз мазкур катта «тежамкорлик» сирини фош қилиш билан бирга бошқа қатор камчиликларни ҳам аниқлайдилар. Чунончи завод раҳбариятининг вазифаларига ўта совуққонлиги, улар томонидан ҳеч қандай назоратнинг ўрнатилмагани, хизматчиларни ишга, лавозимга тайинлашдаги ноқонунийликлар. Масалан цех бошлиги, бош технолог, технолог, инженер, назоратчи, бош назоратчи кабиларга маълумотига қарамай, ҳатто турили қингирликлари учун иши судда бўлганлар ҳам тайинланаверган.

Албатта ушбулар ҳақда шаҳар маъмурологиянига, тегишли масъул идораларга тавсияномалар, таклифлар кирилди.

Худди шундай ёг заводидан 1370 килограмм ўсимлик ёгни ўмарип кетаётганинг ушланиб, текширишлар ўтказганимизда бу ерда ҳам назоратнинг

фуқаросига 1000 дона автошиналарни сотаётганида ушлашди. Мабодо бу автошиналар вилоятимиз фуқароларига сотилганда 400 киши автомашина баллонларини тўла янгилаб олиш имконига эга бўларди.

Афсуки мўмай даромад топиш йўлида ҳеч қандай нопоклиқдан қайтмайдиган ҳамкорларимиз йўқ эмас орамизда.

Юқоридаги каби миссонларни кўплаб келтириш мумкин. ИИБ ИЖК бўлими ходимлари милиция майорлари О. Жабборов, О. Абдурасолов, Б. Маматмуродов, Шеробод тумани ИИБдан милиция капитани Д. Элмуродов, Кумкўргон тумани ИИБдан милиция капитани Ф. Муқимовлар ана шундай жинонларни очиб, маромига етказган ходимлардандир.

Улар тушган ариза ва хабарларни зудлик билан ўрганиб чиқиб, тез суриштирув ҳаракатларини олиб боришиди. Бошқа хизмат ходимлари ва жамоат билан ҳамкорлиқда ишни ташкил этишадилар. Шу боис уларнинг кўрсаткичлари бир мунча юқоридир.

Бу билан кўрсаткичлари паст туман ИИБ колоклигича қолиб кетаверади демоқчимасман. Биз бошқарма ИЖК бўлимида тажрибали ходимларимизни шундай бўлимларга амалий ёрдам бериш учун тез-тез юбориб, ҳар томонлама кўмаклашамиз. Чунки мақсадимиз ягона — ҳалқни турили ўйлар билан адамоқчи бўлганларга қарши курашиб. Озиқ-овқат, кундаклик эҳтиёж моллари танқис бир вақтда меҳнаткашларнинг ҳалол топган пулини олғир-олчоқларнинг ҳаром кўлларидан асраб қолиши.

Холбута ЭРГАШЕВ,
Сурхондарё вилояти ИИБ ИЖКБ
бошлиги, милиция подполковники.

«ТЎЛҚИН»ДА «ФИЛЬТР» БОР



Шаҳримизнинг Ҳамза туманида «Тўлқин» тадбири миқёсида «Фильтр-01» комплекс профилактический тадбири ўтказилди. Асосий мақсад туман ички ишлар бўлимининг барча куч ва воситаларини сафарбар қилган ҳолда ҳудудни бир қайта бутунлай назоратдан ўтказиш эди. Бир кечакундузга мўлжалланган бу тадбир ўз самарасини берди.

Шубҳа қилинган юздан ортиқ шахслар текширилди, 40 га яқин шахс майдо бозорилик билан кўлга тушди. Шу куни иккиминотчи жиноятни устида аниқланди, тўрт нафар қидирувдаги шахслар кўлга тушди. Давлат автониспекцияси, жиноят-қидирув бўлими билан ҳамкорликда транспорт

воситалари ёрдамида станционар тинтуб постлари ташкил қилинди.

Жиноятларни фош қилишда участка милиционерлари милиция капитани Р. Жабборов, милиция катта лейтенанти Т. Ҳушвақтов, фильтрлаш гурӯҳи ходими, милиция катта лейтенанти А. Эловлар маҳорат кўрсатдилар. Айниқса, туман ички ишлар бўлими бошлиги ўринбосари милиция майори Б. Алихоновнинг кўп йиллик тажрибалари жиноятни фош қилишда жуда қўл келди.

Кенг миқёсида ўтказилган бу тадбирда нафақат туман ИИБ, балки шаҳар ички ишлар бошқармаси айрим бўлинмалари ходимлари ҳам иштирок этишиди. Ҳаммаси бўлиб 500 ходим

қатнашган бу тадбирни шаҳар ИИБ раҳбарлари бошқарив боришиди. Биз шулардан бирни, профилактика бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги Шарифхон Умархонов билан сўхбатлашидик.

У кишининг таъкидлашича, бу тадбир шаҳар ИИБ раҳбарларининг ташаббуси билан йўлга кўйилган ва шу кунга қадар бир қанча туманларда ўтказишга улгурилди ҳам. Кўрсаткичлар ижобий.

Тадбирдан кўзланадиган асосий мақсад нима эканини сўраганимизда у киши жиноятнинг олдини олиш ва унинг келиб чиқини ўрганиш эканини айтди. Бунинг ичидаги эса ҳаммаси бор: ноқонуний равишда сақланадиган қуролларни олиб қўйиш, дайдилар билан шуғуланиш, уловларни текшириш...

Шунингдек Шарифхон ака, агар орадан ўн кунлар ўтиб тумандаги оператив ҳолат ўзгармаси бу ерга яна қайтиб келишларини таъкидлаб ўтди. Ҳуллас, аҳволни яхшилашдан ўзга чора йўқ.

Бизнинг асосий эътибор бир туманга жалб қилинса, бошқа жойларга бу ўзининг салбий таъсирини ўтказиб, тартиб бўшаб, жиноятчилар ялло қилиб қолмайдими, деган саволимизга милиция подполковниги бу ерга ёрдамга келаётган ходимлар ўзларининг бўш вақтлари

хисобидан келишаётганини, бу ҳеч ерга салбий таъсир кўрсатмаслигини, ҳеч ким тартиби бўшаштириб юборишни кўзламаётганини билдири.

Ҳамза тумани ИИБ бошлиги ўринбосари В. Покасов туман худуди тўрт шартли бўлакка бўлингани ва булар ҳам ўн беш қисмга ажратилганини айтди. Ҳар бир қисмга 40 кишидан иборат гурӯҳ берилган, буларга эса ўша ерларда ишловчи участка катта вакиллари бошчилик қиласди.

В. Покасов гурухларнинг иш ва бошқариш услуги хусусида батафсил гапириб берди.

Тадбирдан бир неча кун бурун болалар боғчасидан болаларга аталган озиқ-овқатлар ўмарип кетилган эди. Иёки кундан сўнг эса тунда «Союзпечать» дўконидан

ёзув-чизув моллари ўтилди. Тадбир куни кечки пайтларда туман поликлиникасидан бир киши тан жарохати билан тушганлиги ҳақида хабар беришди. Жабрланувчи билан милиция майори Б. Алихонов учрашганда, у олдинига кўрсатма беришдан бош тортди, кейин Н. исмли шах бошига шиша билан урганини айтди.

Жиноят содир бўлган жойга милиция майори Б. Алихонов етиб келганда яна шу нарса маълум бўлди, бу хонадон исловатхона ҳам экан... Н. нинг кимлиги аниқланадиганда эса, юқоридаги ўғирлик ва босқинчилликларни ҳам у содир қилганилиги маълум бўлди.

И. ЭШМАТОВ.
А. Элов олган суратлар.





—Хўш безори, ароқхўр, текинхўр фуқаролар! Кум конига ким боради?

- Қурилишга ким?
- ...
- Гўшт комбинати...
- М-е-н ! !
- ...дан буортма йўқ.
- У-ф-...

Х. ШОДИЕВ олган сурат.

Ўйлаб топилмаган гаплар

“Назоратдаги А.нинг уй ва иш жойларида бўлдим. Юриши туриши ижобий. Оилали. Бошқа қоидабузарликлар аниқланмади”.

(Участка вакилининг баённомасидан).

“Менда бўш жойлар бўлмаганлиги учун учта одамни бир жойга осгандим. Томоша тутагач, хотинлари келиб олиб кетишиди. Кейин билсам, бир-бириникуни алиштириб

кетишибди. Шу...”

(Кийим қабул қилувчининг тушунтириш хатидан).

“Белгилари: бўйи ўртадан баландроқ, баланддан пастроқ. Кўзлари қора, лекин қоралиги билинмайди. Жуда кичкина, худди кўринмайдигандек кўринади”.

(Жиноятчига берилган таърифдан).

“У мени ёмон урди. Дод девордим. Лекин нимагадир ўзининг кўзи кўкариб чиқди”.

(Тушунтириш хатидан).

ЭЪЛОН

1991 йилда Тошкент алоқа политехники томонидан Хожимурод Фағфоровиҷ Абдуазимов номига берилган ПТ-1 103998 рақамли диплом йўқолганилиги сабабли;

Тошкент вилояти Тошкент тумани 19-МПТБЮ томонидан 1987 йилда Шавкат Эркинович Эргашев номига берилган А-1080185 рақамли ўрта маълумот түғрисидаги етуклик аттестати йўқолганилиги сабабли;

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Д И К Қ А Т , Қ И Д И Р У В



Самарқанд вилояти ҳокимлиги ИИБ томонидан 1951 йилда Самарқанд вилоятидаги Каттакўргон шаҳрида тутогланган, бир қатор оғир жиноятлар содир этган хавфли жиноятчи Раҳматулло Аҳадов кидирилмоқда.

Белгилари: бўйи 165, см., қаддисти ўртача, соchlari тўқсариқ, қўйкўз.

Жиноятчининг макони ҳақида бирор нарса билганлардан яқин ўртада жойлашган милиция бўлимига ёки “02” телефони орқали хабар килишларини сўраймиз.

Тошкент вилояти ИИБ ва қарийдошлари томонидан бедарак йўқолган Шоҳмурод Муродович Аббосов кидирилмоқда. У 1992 йил 12 ноябр куни давлат белгиси 57-16 ТШП бўлган “КамАЗ-53121” белгили автомашинасида Олмалиқ шаҳридаги З-автобазадан чиқиб кетганича кайтмаган.

Ш. Аббосов 1930 йилда тутогланган. Ўша куни ҳаворанг

пиджак, қизил ранги катак кўйлак ва қора шапкада бўлган.

Автомашина белгилари: ранги сарғиш, двигатель рақами — 678923, шасси рақами — 066857.

Ш. Аббосов ва юкорида кўрсатилган автомашина ҳақида бирон бир маълумотга эга фуқаролардан бу ҳақда 65-07-79 ёки “02” рақамли телефонлар орқали хабар беришларини сўраймиз.



Тошкент шаҳар ҳокимлиги ИИБ томонидан қуидаги хавфли жиноятчилар қидирилмоқда

Уларнинг маконлари ҳақида бирор нарса билганлардан яқин ўртада жойлашган милиция бўлимига ёки “02” рақамли телефон орқали хабар килишларини сўраймиз.



Алексеенко Виктор Петрович, 1964 йилда тутогланган.

Белгилари: 172 см, соchlari оч-сариқ, юзлари қора, оқ оралаган, қўйкўз, ҳар икки елкасида фаришталар тасвири туширган татуировкаси бор.



Алибаш Сергей Иванович, 1951 йилда тутогланган.

Белгилари: бўйи ўртача, соchlari, қора, оқ оралаган, қўйкўз, мўйлаби бор.

Алоҳида белгилари: чап оёғида машъала тасвири туширланган татуировкаси бор, тена жагидаги учта тиши оқ металлдан.



Исоқов Мадамин Маҳмудович, 1971 йилда тутогланган.

Белгилари: бўйи ўртача, соchlari қора, қўйкўз.



Абжапаров Жанболат Анжарович, 1961 йилда тутогланган.

Белгилари: баланд бўйли, юзи қотмадан келган, шаллангқулоқ, пешонасидаги қилтомирлари кўришиб туради.

- Кўчириб босиша «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулҳазаси таҳририят фикринга мос тушмаслиги мумкин.
- Кўлэзмалар таҳжил қилинмайди ва қайтарilmайдi.

Газета **IWM** компютерида терилиди ва саҳифаланди.
Ўзбекистон Республикаси «ШАРҚ» нашриётматбаачилик концерни босмахонаси.
700083, Тошкент,
Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: мухаррир — 54-37-91, мухаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-26-56, мухбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Мухаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент, Г. Лопатин кўчаси, 1.